



ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА РАЎБАТЛАНТИРИШ САМАРАЛИ ТАДБИРЛАРИГА КРЕАТИВ ЁНДОШУВ ХУСУСИДА

¹Джамалов Хасан Нуманжанович

Тошкент молия институти «Солиқлар ва солиққа тортиш»
кафедраси проф.в.б.,и.ф.н.,

²Ахмедов Жавлон

Тошкент молия институти

«Солиқлар ва солиққа тортиш» мутахассислиги магистранти
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7932164>

ARTICLE INFO

Received: 04th May 2023

Accepted: 11th May 2023

Online: 12th May 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт эркинлашуви ва солиқ тизими модернизациясининг ҳозирги босқичида иқтисодиёт тараққиётини солиқлар орқали тартибга солиш ва раъбатлантириш самарали тадбирларига креатив ёндошувнинг устунликлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари илмий асослаб берилган.

Кириш

Жаҳон амалиётига кўра, иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлашнинг самарали механизмида солиқ дастакларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди. Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги замон ривожланиш қонуниятлари ва унинг солиқ омилларини чуқур таҳлил этиш дунёнинг тараққий этган давлатларида солиқ юкини камайтириш, солиқ турларини унификация қилиш ва солиқ ставкасини пасайтириш, солиқларни тўлаш ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишнинг электрон тизимини ривожлантиришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш, бизнесни юритиш учун қулай инвестицион иқлим ва ишбилармонлик муҳитини яратиш масаласига алоҳида эътибор берилганлигини тасдиқлайди.

Халқаро амалиётда солиққа тортишнинг тартибга солиш функцияси самарали тараққиёти йўналишларига доир кенг илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий изланишларда жаҳон бозори конъюнктурасидаги кескин ўзгаришлар, халқаро солиқ амалиёти ва унинг бизнес муҳити, рақобатнинг миллий доирадан жаҳон даражасига чиққанлиги асосида солиққа тортишнинг тартибга солиш функцияси самарали тараққиётини таъминлашга оид ўрта ва узоқ муддатли стратегияга таъсир этувчи омилларни олдиндан баҳолаш кабиларга алоҳида эътибор қаратилган. Халқаро миқёсда солиққа тортишнинг тартибга солиш функцияси самарали тараққиёти йўналишлари юзасидан илмий тадқиқотлар тизимли равишда олиб борилмоқда ва бунда АҚШ, Ғарбий Европа, Япония, Сингапур, Жанубий Корея олимлари уларнинг методологик ва амалий аҳамиятига, МДҲ мамлакатларида эса кўпроқ назарий жиҳатларига урғу берилмоқда. “Ҳозирги вақтда глобал миқёсда солиқ сиёсатининг энг кўзга кўринган масалаларидан ҳамда солиққа тортишнинг тартибга солиш функцияси самарали тараққиёти йўналишларидан бири сифатида – унда рақамли иқтисодиёт илғор ютуқларидан кенг фойдаланиш ва хўжалик субъектларини солиққа тортиш



жараёнининг автоматлаштирилган тизимини яратиш ҳисобланади”[1]. Халқаро тажрибада натижага асосланган солиқ ислоҳотлари фан, технология ва инновацион сиёсатнинг узвийлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос самарали солиқ тизимига таянувчи мустаҳкам иқтисодий асос ҳамда реал натижага асосланган истиқболли тараққиёт йўналишларини белгилаш, солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Солиқ юкини пасайтириб бориш, солиқ тўловчилар ўртасидаги унинг номутаносиб тақсимланишини бартараф этиш, солиқ маъмуриятчилигидаги номукамалликлар туфайли солиқларни ҳисоблаш ва тўлашдаги муаммоларни бартараф этиш, солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасидаги иерархар муносабатларга йўл қўймаслик ва уларнинг “ҳамкорликда ўсиши”ни таъминлашга эришиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қиладиган асоссиз солиқ текширувларини бартараф этиш ва солиқ маслаҳати кўрсатиш ҳамда самарали назорат тадбирларига ўтиш вазифаси белгиланди. Республикамизда “янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақига солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади”[2]. Бу эса ўз навбатида мазкур илмий мақола мавзусининг бугунги кундаги ислоҳотларнинг долзарб масалаларидан бири эканлиги кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигининг самарали восита ва усулларида фойдаланиш асосида “солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш”[3], “солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршилиқлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш”[4], “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси вазифалари ижроси якунида солиқ мажбуриятини ихтиёрий бажариш даражасини 90 фоизгача етказиш лозимлиги”[5] таъкидланди. Булар давлат томонидан самарали солиқ сиёсатини юритиш бўйича стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш вазифаларини белгилаб берди. Мазкур вазифалар бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш, самарали солиқ маъмуриятчилигини шакллантиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш заруриятини кўрсатиб беради.

Мазкур вазифалар “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” да ҳам янада қатъий ва кенг қамровли тарзда қўйилди: «...солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли



рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш[6]» муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Таҳлил ва натижалар

Ш.Тошматовнинг “Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертацияси (2008) корхоналар тўлайдиган солиқларнинг моҳияти ва зарурлиги, солиқлар воситасида корхоналар иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш йўллари борасидаги муаммоларни таҳлил қилишга бағишланган. Айнан ушбу тадқиқотда мамлакатимизда илк бор корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтиришнинг устувор йўналишлари бўйича масалалар тадқиқ этилган.

Н.Ашурованинг “Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертацияси (2018) барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари тадқиқига бағишланган..

И.Ниязметовнинг “Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш” мавзусидаги докторлик диссертацияси (2019) мамлакат солиқ амалиётида солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш йўллари тадқиқига бағишланган.

Х.Зариповнинг “Солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини баҳолаш йўллари” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун диссертацияси (2020) мамлакатимизда солиқ тизими модернизациясининг ҳозирги босқичида солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини баҳолаш йўллари тадқиқига бағишланган.

Бироқ, ушбу илмий ишлар амалга оширилган вақтда иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги янги солиқ концепцияси сиёсати доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини тизимли тарзда тадқиқ этиш ва унинг диққат марказида, “рақамли иқтисодиётга асосланган электрон ҳисоб-китоб тизимини йўлга қўйиш”, “эркин рақобатга асосланган тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиш”, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси бўлмиш “давлат фискал мақсадлари ва солиқ дастаклари самарали амал қилиш механизми” мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини яратиш масаласи кун тартибига қўйилмаган эди ва ҳозиргидек кескин аҳамият касб этмаган эди. Айнан мана шунинг учун ҳам, ҳозирда Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тараққиётини солиқлар орқали тартибга солиш ва рағбатлантириш йўналишларини тадқиқ этиш илмий-услубий асосларини такомиллаштиришда янгича ёндашувнинг зарурлиги яққол кўзга ташланиб қолди.

Иқтисодиётни солиқлар орқали бошқаришни ёқловчи кўплаб назариялар мавжуд. Жумладан, А.Смит томонидан илгари сурилган солиққа тортиш тамойиллари солиқларнинг фискал аҳамияти билан биргаликда иқтисодиётни бошқаришда фойдаланиладиган восита сифатида ўрганиш лозимлигини тасдиқлайди.



“Солиқлар - иқтисодиётни тартибга солувчи восита” концепцияси иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришни таъминлаш ва иқтисодиётни бошқаришда солиқлардан фойдаланишни англатади. Кейнс ўзининг илмий изланишларида иқтисодиётни солиқлар воситасида бошқариб туриш заруратини назарий жиҳатдан асослаб берган ва солиқларга автоматик тарзда барқарорлаштирувчи восита сифатида қараган. Шу билан биргаликда солиқ механизмини ўзгартириб, солиқ сиёсатини иқтисодиётнинг цикли ривожланишига мувофиқлаштиришни тавсия етган.

“Солиқлар - даромадларни барқарорлаштирувчи восита” назариясининг асосчиси Е.Жерарден (француз иқтисодчиси) солиқлар ёрдамида иқтисодиётни бошқариш механизмига таъсир етиб, жумладан солиққа тортишнинг прогрессив шкаласини қўллаш орқали жамият аъзоларининг мулкый тенгсизлигини тугатиш мумкинлигини таъкидлайди.

Иқтисодиётни солиқлар орқали бошқаришнинг асосий мақсади хўжалик юритишда қулай шароитларни яратиб бериш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, шу мақсадларга еришиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- солиқ тушумлари ҳажмини ўзгартириш;
- солиққа тортишнинг шакл ва усулларини ўзгартириш;
- солиқ ставкаларини ўзгартириш, уларни табақалаштириш;
- солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;
- солиққа тортилиши лозим бўлган объектларни ўзгартириш;
- жарималар қўллаш ва бошқалар.

Давлат иқтисодиётни солиқлар орқали тартибга солишда макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада таъсир етади.

Макроиқтисодий даражада, солиқ ставкаси миқдорига ўзгартириш киритиш орқали инфляцияни чегаралаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудлараро мукамал жойлашишини тартибга солиш, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, иқтисодий ўсишга еришиш каби кенг қўламли мақсадларга еришиш мумкин.

Микроиқтисодий даражада еса, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатига таъсир етиши, уларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантириши кабиларга еришиши мумкин.

Иқтисодиётни солиқлар орқали бошқаришда солиқ механизми элементларидан кенг қўламда фойдаланилади. Улардан кенг қўлланиладиган ва самарали чоралари сифатида солиқ ставкаларини, солиқ имтиёзларини ўзгартириш кабиларни алоҳида қайд етиб ўтиш лозим.

Солиқ имтиёзларидан ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестицияларни рағбатлантиришда ва бошқаларда кенг фойдаланилади.

Солиқ имтиёзлари рағбатлантириш ва самарали қўлланилишига қараб қуйидаги кўринишларда фойдаланиши мумкин:

- солиқлардан бутунлай озод қилиш;
- янги ташкил етилган корхоналарга имтиёзлар бериш;
- солиқ тўлашдан вақтинча озод етиш;



- солиққа тортиладиган базани камайтириш;
- солиқдан қисман озод қилиш;
- хорижий инвестицияларга имтиёзлар бериш;
- экспортга имтиёзлар бериш ва бошқалар.

Солиққа тортишнинг мослашувчанлигини, юқори самарадорлигини, тизимли мослашувини таъминлашнинг асоси уни модернизация қилиш, амалга оширишнинг замонавий, холисона асосланган ташкилий, иқтисодий ва молиявий шакллари, усуллари, механизмларини жорий этиш ҳисобланади. Инновацион база мавжуд салоҳиятни максимал даражада ошириш, солиқ моделларининг функционаллигини кенгайтириш имконини беради.

Бунинг учун илғор ахборот технологиялари, иқтисодий ва математик усуллар, мантиқий схемалар қуриш, тизимларнинг ишлаш жараёнининг алгоритмларидан фойдаланиш мақбулдир. Амалдаги фаолиятни режалаштиришнинг бир қанча муқобил вариантларини ишлаб чиқиш билан оптимал танланган, таҳлил қилинган ва синтез қилинган молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар асосида солиқни тартибга солишни ўзгартириш давлат даромадларини шакллантириш бўйича фаолиятни такомиллаштириш имконини беради.

Хулоса.

1. Жаҳон солиқ амалиёти тажрибаларини умумлаштирган ҳолда солиққа тортиш фискал типининг тартибга солувчи типига трансформациялашуви объектив тенденцияси кузатилаётганлиги аниқланди ва шу билан боғлиқ тарзда янги Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланиш истиқболларида солиққа тортишнинг тартибга солувчи типига ўтиш мақсадга мувофиқдир.
2. Ўзбекистон Республикасидаги солиқ тизими модернизациясига ҳозирги ёндошувларни ўзгартириш зарурлиги аниқланди. Солиқлар тартибга солиш функцияси амал қилишини солиқ имтиёзлари тизими фаолиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу муносабат билан “солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тизимида самарасиз имтиёзлар бекор қилиниши, улардан мутлоқ воз кечилиши лозимлиги ҳақида”ги ёндошувларни қайта кўриб чиқиш ҳамда “солиқ имтиёзлари тизими самарали фаолиятини таъминлаш” амалиётига қайтишнинг мақсадга мувофиқлиги, авваломбор, корхоналарнинг илмий-техник ишланмаларга, янги технологиялар сотиб олишга, илмий-тадқиқот ишларига, персонал малака даражасини ошириш ишларига, ишлаб чиқаришнинг экологик ҳавфсизлигини таъминлаш ишларига йўналтириладиган фойдадан солиқ бўйича имтиёзлар тизимини қўллаш зарур.
3. Солиқларнинг тартибга солиш функциясининг бир қисми сифатида солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштириш майдонга чиқади[7]. Ушбу йўналишда қуйидагилар таклиф этилади:
 - солиқ органлари ишининг технологик жараёнлари учун ягона стандартларни белгилаш;
 - солиқ солинадиган операцияларнинг мониторингини такомиллаштириш мақсадида комплекс ахборот тизимларини кенг ва тезкор равишда жорий этилиши туфайли солиқ тўловларини мажбурий йиғиш механизминини кучайтириш;
 - солиқ текширувларини ўтказиш учун солиқ аудити имкониятларини кенгайтириш.



References:

1. Paying Taxes 2022. A unique report by PwC and the World Bank Group. <http://www.pwc.com/gx/en/paying-taxes/pdf/pwc-paying-taxes-2023.pdf>
2. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри 2020 йил 24 январь, <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
3. 2017- 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармониغا 1-ИЛОВА. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 8 февраль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5837-сонли фармони, 2019 йил 26 сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон [қарорига](#) 1-илова”Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси”нинг 3-боб, 3.3-банди.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ни тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони.
7. Djamalov Kh.N., Abdullayev A.B, (2021). Development Of The Methodology Of Accounting Expertise Of Tax Obligations. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(05), 151-163.